

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10639698>

Қурбонов Дониёр

Аннотация: Ушбу мақолада сукут сақлаш ҳуқуқи, яъни ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар беришдан бош тортиш ҳуқуқи ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари ушбу ҳуқуқ Жиноят-протессуал кодекснинг 48-моддасида қатъий кафолатланганилиги төғрисида төхталиб отилган.

Таянч иборалар: Миранда қоидаси, «Миранда огоҳлантируви», «Хабеас корпус»тамоиили, ўз-ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни шакллантириш, демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя килишни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Республикаимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги билан суғорилган, халқаро талабларга тўла жавоб берадиган инсонпарвар қонунларнинг қабул қилиниши ҳуқуқий демократик давлат сари үлкан қадам ташланганилигидан далолатdir.

Айниқса, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда мухим йўналишлардан биридир.

Жамиядда инсон ҳуқуқлари очиқ тарзда бузилиши мумкин бўлган соҳалардан бири жиноят ишларини юритиш, хусусан айбланувчилар билан бўладиган процессуал муносабатлар ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари муҳофаза қилишнинг ҳар доим ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг марказий масаласи эканлиги тадқиқот ишининг долзаблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шахс, жамият ҳамда давлат фаолиятининг ҳуқуқий мезонларини белгилаб берадиган асосий ҳуқуқий хужжатdir. Унда мамлакат сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий тузилиши асослари мустаҳкамланган. Конституциямизнинг асосий мазмунини инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қоидалар ташкил қиласди. Барча ривожланган демократик давлатлар конституцияларида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ўз аксини топган.

Маълумки, қонун ва қоидалар инсонлар учун мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя бўлиб, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини

талаб этишида, ҳамманинг тенглигини таъминлаб, бурч ва масъулиятларини бажаришида қалқон бўлиб хизмат қилади. Конститутсиямизга кўра, барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига птур етказмасликлари шарт.

Давлатимиз раҳбари янгиланган Конститутсия мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, мамлакатимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бир сўз билан айтганда, “Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конститутсиямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантириш зарурлигини қайд этди.

Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев такидлаганлар кўра ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганда, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмаётганини ва натижада, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолаётганини таъкидлаб, ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида кўплаб давлатларнинг Конститутсия ва қонунларида ҳамда халқаро ҳужжатларда акс этган, гумонланувчи шахс қўлга олинганда, үнга ҳуқуқларини тушунтириш бўйича “Миранда қоидаси”ни ва “Хабеас корпус” тамойилларини Конститутсияда акс эттириш лозимлигини қайд этиб ўтди.

Конституциясимизни 27-моддасида «Шахсни ушлаш чогида үнга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт» - эканлиги киритилди. Миранда қоидасини конституциямизда ўз аксини топиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим институтининг конституциявий даражада мустаҳкамлайди.

“Миранда қоидаси” Ўзбекистон жиноят-протессуал қонунчилигида ўз аксини топган. Амалдаги Жиноят-протессуал кодекснинг 23-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Бошқача қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизда сукут сақлаш ёки ҳеч қандай кўрсатма бермаслик ҳуқуқи айбизлик презумпсияси тамойилига асосланган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бугунги кунда кўплаб мамлакатлар ўз олдига қўйган мақсадлардан биридир. Шундан келиб чиқиб халқаро ҳуқуқда ва ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шахснинг суд ва тергов органларидағи ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кў'плаб тарихий ҳужжатлар қабул қилинган.

Миранда қоидаси Америка Қўшма Штатларида юзага келган юридик норма бўлиб, үнга кўра, жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахсни сўроқ қилишдан олдин үнга протессуал ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бу тамойил 1966 йилдаги АҚШ Олий суди қароридан келиб чиқади. Миранда қоидасидан кўзланган мақсад

шахсга ўз-ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқини (немо тенетур се ипсум ассусаре) бериш бўлган.

Ўша вақтда Аризона штати политсиаси Эрнесто Мирандани одам ўғирлаш ва номусга тегиш жиноятларини содир этишда айблайди. Политсия биносида икки соатлик сўроқдан кейин Миранда ўз айбига иқрор бўлади ва кейинчалик судланади. Ушбу жиноят иши юзасидан Миранданинг адвокати шикоят келтиради ҳамда АҚШ Олий суди бундан буён политсиячилар шахсни ушлаш чоғида шартли равишда ном олган «Миранда огоҳлантируви»ни ўқиб эшиттиришларини талаб қиласди. Бу қоида ушлаб туриш сабабларини, кўрсатув беришни рад этиш, ушланган шахс берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини ҳамда давлат ҳисобидан ҳимоячини таклиф этиш каби ҳуқуқларни ўз ичига олади. Ушбу қоида ҳеч ким ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур эмаслиги ҳуқуқини таъминлаб берди. Шу пайтдан бошлаб, ушланган шахсга унинг ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилишидан олдин олинган ҳар қандай маълумот номақбул далил экани белгилаб қўйилди.

Миранда қоидаси (ингл. Miranda warning) — ушлаш жараёнида гумон килунувчи ўзининг ҳуқуқлари ҳақида огоҳлантирилиши, уни ушлаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходими эса у айтилаётганларни тушунаётганлиги ҳақидаги саволга ижобий жавобни олиши кераклиги ҳақидаги АҚШдаги юридик талаб. Ушбу қоиданинг умумий формулировкаси қўйидагича:

«Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтган ҳар қандай нарса судда сизга қарши ишлатилиши мумкин. Сўроқ жараёнида сизнинг адвокатингиз иштирок этиши мумкин. Агар сиз адвокат хизмати учун пул тўлай олмасангиз, у сизга давлат томонидан тақдим этилади. Сиз ўз ҳуқуқларингизни тушундингизми?»

Миранда қоидаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, конунчиликда 2009 йил 1 январдан эътиборан жорий этилган. Миранда қоидасидан кўзланган мақсад шахсга ўз-ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқини (немо тенетур се ипсум ассусаре) бериш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 47-моддасига кўра гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлсада, бу маълумотлар уни ишда айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. ЖПКнинг 48-моддасида гумон қилинувчининг протсессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари берилган бўлиб, ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда якунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар

бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

Жиноят-протессуал кодексининг 224-моддасига кўра Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шоҳидларнинг сўзларидан аниқласа:

1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган протессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Юқоридаги нормаларга эътибор берадиган бўлсак “Миранда қоидаси” Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протессуал қонунчилигига яққол ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига “Миранда қоидаси”ни киритилиши гумон қилинувчини қўлга олинганда;

«Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Айтганларингизнинг барчаси сизга қарши судда ишлатилиши мумкин ва ишлатилади». Сукут сақлаш ҳуқуқи, яъни ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар беришдан бош тортиш ҳуқуқи, Жиноят-протессуал кодексининг 48-моддасида қатъий кафолатланган. Ушбу модда талабига кўра, гумон қилинувчи зиммасига кўрсатма бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас. Сўроқдан олдин бу ҳуқуқ тушунтирилиши улкан аҳамият касб этади, зеро айнан ҳибсдан кейин, адвокат иштирокисиз бўлиб ўтадиган сўроқлар кўплаб ҳақ-ҳуқуқлар бузилишига олиб келади.

«Сиз адвокат билан маслаҳатлашиш ҳуқуқига эгасиз. Адвокатингиз сўроқ пайтида иштирок этиши мумкин». Шахсий адвокат иштироки сўроқларнинг қонун доирасида ўтишига замин бўлади, ҳақ-ҳуқуқлар поймол бўлиши олдини олади. Шу боис, мазкур ҳуқуқнинг сўроқдан олдин тушунтирилиши, буни қонунан мажбурий қилиб қўйилиши сўроқ жараёнида инсон ҳуқуқлари ҳимояда бўлишининг мұхим омилидир.

«Құнғироқ қилиш ҳуқуқига әгасиз!» Жиноятда гумон қилиниб құлга олинган шахс «бир марта құнғироқ қилиш» ҳуқуқига әга бўлади. Яъни, у ўз адвокатига ёки яқин қариндошига құнғироқ қилиш ҳуқуқига әга ва бу имконият үнга яратиб берилиши шарт (ЖПК 48-м). Агар у телефон қилишдан воз кечса, уни ушлаган мансабдор шахс үнинг оила аъзолариға құнғироқ қилиши ва үнинг ушлангани, қаерда сақланаётгани, нимада айбланаётгани, адвокат олиш ҳуқуқи борлиги ва бошқа маълумотларни бериши шарт.

«Сиз ушбу ҳуқуқларни тушундингизми?» Жиноятда гумон этилган шахс тергов олдидан үнга айтилган ҳақ-ҳуқуқларини тушунгани тасдиқланмоғи лозим. Бу Миранда қоидасининг муҳим нуқтаси бўлиб, қоидадан кўзланган мақсад ҳосил бўлиши, расмиятчиликка айланиб қолмаслиги учун муҳим омилдир. Гумон қилинувчиларни құлга олиш пайтида уларга ўз ҳуқуқлари тушунтирилади ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт (“Миранда қоидаси”) ҳамда ўй-жой кириш тартиби қонун билан қаттиқ тартибга солинади.

«Агар адвокатнинг хизматларини тўлашга қодир бўлмасангиз, у сизга давлат томонидан тақдим этилади. Сиз ушбу ҳуқуқларни тушундингизми?» Жиноятда гумон қилинувчининг шахсий адвокати бўлмаслиги, яъни у шахсий адвокат хизматини тўлашга қодир бўлмаслиги уни адвокатсиз сўроқ қилишга имкон бермайди – терговчи уни давлат томонидан бериладиган адвокат билан таъминлаши керак. Мазкур меъёр ҳам тергов жараёнида ҳақ-ҳуқуқлар поймол бўлмаслигига, ноқонуний ҳаракатлар содир этилмаслигига хизмат қиласи (ЖПК 50-м).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Жамиятда «Миранда қоидаси»ни конституциявий даражада белгиланиши биринчи навбатда фуқароларни мазкур қоидадан хабардор бўлиш имконияти кенгайтириши баробарида, амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига икки карра масъулият юклайди ва ушбу тамойилни тўла-тўқис ва сўзсиз қўлланиши учун зарур ҳуқуқий кафолат яратди. Мазкур йўналишдаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг барчаси ижтимоий ҳаётда инсон қадри, халқ манфаатларини амалда таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-протессуал кодекси – Т: “Юридик адабиётлар публиш”. 2021 й.
2. Жиноят протессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси://ю.ф.д. проф.Г.З.Тўлганова. дотс.С.М.Раҳмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент : ТДЮ нашриёти , 2017-йил. – 490 бет.
3. [хттп://правачеловека.уз/оз/newc/мирнда-коидаси-ва-миллий-қонунчилик](http://правачеловека.уз/оз/newc/мирнда-коидаси-ва-миллий-қонунчилик)
4. [хттп://кун.уз/уз/newc/2019/05/26/сукут-сақлаш-ҳуқуқига-әгасиз-мирнда-коидаси-озбекистон-қонунчилигига-қандай-акс-этган](http://кун.уз/уз/newc/2019/05/26/сукут-сақлаш-ҳуқуқига-әгасиз-мирнда-коидаси-озбекистон-қонунчилигига-қандай-акс-этган).